

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

***ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ФАКУЛТЕТИ***

АБДАЛИЕВА МАРЖОНА АДИБОЙ ҚИЗИ

**ТОШКЕНТ ШАХАР 10-СОНЛИ АВТОТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ
МИСОЛИДА ДВИГАТЕЛ ГАЗ ТАҚСИМЛАШ МЕХАНИЗМИ
ПРУЖИНАЛАРИНИ ТИҚЛАШ БЎЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

РАҲБАР: “МТПФ ВА ТС”

КАФЕДРАСИ ДОЦЕНТИ

АШИРБЕКОВ И.А.

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

	Бет.
Кириш	3
Аннотация	4
I бўлим. Тошкент шаҳар 10-сонли автотаъмирлаш корхонасида машина деталларини тиклаш ва таъмирлаш ҳолати таҳлили	7
1.1. 10-сонли автотаъмирлаш корхонасининг ривожланиш тарихи ва истиқболлари	7
1.2. 10-сонли автотаъмирлаш корхонасида ейилган деталларини тиклаш технологик жараенлари таҳлили ва уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар	9
II боб. Газ тақсимлаш механизмнинг пружинасини тиклаш технологик жараенини асослаш	11
2. 1. Таъмирлаш объекти қисқача тавсифи.	11
2.2. Машиналарни бўлаклаш (йиғиш) технологик жараени харитаси	12
2.3. Пружиналарнинг ишлаш жараёни ва параметрларини ўзгариши сабаблари	15
2.4. Пружиналарни қайта тиклаш усулларининг таҳлили	23
2.5. Пружиналарни нуксонлаш жараенини ишлаб чиқиш	25
2.6. Деталларни тиклашнинг макбул усулини танлаш	27
2.7. Пружиналарни тиклаш технологик жараёнини ишлаб чиқиш	28
2.8. Пружиналарни тиклаш жараёнининг режимлари ҳисоби	30
III боб. Пружиналарни тиклаш булимини ташкиллаштириш бўйича тавсиялар	32
3.1. Пружиналарни тиклаш йиллик иш ҳажмини ҳисоблаш	32
3.2. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва ёрдамчи участкалари	

таркибини аниклаш	32
3.3. Иш режими ва вақт фондини ҳисоблаш	33
3.4. Ишчилар сонини ҳисоблаш	33
3.5. Ремонт техник жихоз ва ускуналарини танлаш	34
3.6. Пружиналарни тиклаш булими ишлаб чиқариш ва қушимча майдонларни ҳисоблаш	34
3.7. Энергетик ресурслар ҳисоби	37
IV боб. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва атроф муҳит муҳофазаси	39
V. Пружиналарни тиклаш булими техник – иқтисодий кўрсаткичлари ҳисоби	41
Хулоса ва тавсиялар	46
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	47
Иловалар	49

Аннотация

Ушбу Битирув малакавий иши “Тошкент шаҳар 10-сонли автотаъмирлаш корхонаси мисолида двигател газ тақсимлаш механизми пружиналарини тиклаш бўлимини ташкил этиш” мавзусида бажарилган.

БМИ нинг биринчи бобида Тошкент шаҳар 10-сонли автотаъмирлаш корхонаси фаолияти, ривожланиш тарихи буйича умумий маълумотлар келтирилган.

Иккинчи бобда двигател пружиналарида двигателдан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган нуқсонлари, уларни ейтилиш жараени, оваллик ҳамда конуслик кийматларининг таркалиш конуни урганилди.

Бундан ташқари пружина нуқсонлари табиатидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тиклаш усуллари таҳлили натижаси асосида уларни тиклашнинг маршрут технологик жараени ҳамда тиклаш технологик жараёни ишлаб чиқилди.

БМИ нинг учинчи бобида Тошкент шаҳар 10-сонли автотаъмирлаш корхонаси таркибида мавжуд пружиналарни янги технология асосида тиклаш имконини берувчи участкалар технологик планировкаси тавсия этилмоқда.

Тиклаш технологияси тадбиғи натижасида кутилаётган иқтисодий самарадорлик иқтисодий курсаткичлар ҳисоби натижалари билан асосланди.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг бутун эътиборини мамлакат иқтисодиётини кўтариш, келажаги буюк давлат қуришга қаратди. Бунга эришиш учун республиканинг молиявий, моддий ҳамда табиий захиралари мавжуд бўлиб, шу билан бирга географик жиҳатдан қулай жойда жойлашган.

Эндигина мустақилликка эришган республиканинг келажаги, уни ривожланиш йўли ва модели қабул қилинди. Бу тарихда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили сифатида зарҳал харфлар билан муҳрланиб қолди [1].

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал ривожлантиришни асосий омилларидан бири - техника ва технологияларни модернизациялаштириш, яъни фан-техника ютуқларига асосланган ҳолда уларни такомиллаштириш, жорий этиш ва самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаштириш долзарблигини Республикамиз Президенти қуйидагича ифодалаган: «... Биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексда техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда...» [1]. Ушбу фикрлар заминидан, қишлоқ хўжалиги тармоғини нафақат чет элдан кетириладиган техника ва технологиялар асосида модернизациялаштириш, балки Республикамизда мавжуд техникаларни тараққий эттириш ҳамда янгиларни жорий этиш каби муҳим вазифалар ҳам ифода этилган.

Ҳозирги мавжуд шароитда глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари Республика иқтисодиётининг ривожланишига ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган «Инқирозга қарши чоралар Дастури» нинг бўлимлари корхоналарни модернизациялаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш орқали корхоналарнинг рақобатдошлигини оширишга қаратилган [2].

Республикамиз аграр соҳасида машина ва механизмлардан унумли фойдаланиш, бозор ислохотлари шароитида техникавий, табиий, ташкилий ва иқтисодий омилларни бир-бири билан узвий боғлаган ҳоллардагина самарага эришиш мумкин.

Агротехник мавсумлар ва йил давомида машина-трактор паркдан самарали фойдаланишни таъминлашда машиналар техник сервис, таъмирлаш ва сақлаш ишларининг сифатини ошириш, эҳтиёт қисмлар сарфини камайтириш орқали мазкур ишлар баҳосини пасайтириш, машиналарнинг техник даражасини ошириш ва уларни таъмирлаш технологик жараёнларини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Фермер хўжаликлари, қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари ва бошқа турдаги субъектлар балансидаги техника воситаларини доимо ишга шай ҳолда ушлаб туриш, техник сервис кўрсатиш, таъмирлаш (жорий ва буткул), ейилган деталлар ва таркибий қисмларни қайта тиклаш муҳандислик хизматининг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Машина ва механизмларнинг муҳим таркибий элементларидан бири - пружиналар бўлиб, улар турли хил функцияга эга. Пружина – бу қўйилган куч таъсирида ўзининг бирламчи ўлчамларини ўзгартириб, куч таъсири

тўхтатилгандан кейин ўлчамларини асл ҳолатига қайтара оладиган детал ҳисобланади. Хусусан, улар ёрдамида сеялка зичлаш катогининг ерга босими, култиватор ишчи органларининг тупроққа ботиш чуқурлиги, двигател газ тақсимлаш механизмида клапанларни ўз вақтида ёпилиши, юқори босимли ёнилғи пуркаш насосида плунжерни дастлабки ҳолатига қайтиши, машинанинг ҳаракат турғунлиги ва юк кўтариш қобилияти ҳамда бошқарилувчанлиги таъминланади ва ҳоказо.

Пружиналарнинг ишлаш жараёнида уларнинг параметрларини (эластиклиги, эркин баландлиги, ўрамалар қадами, ўрамаларнинг кўтарилиш бурчаги ва бошқалар) бузилиши бир қатор салбий оқибатларга - керакли босимни таъминламаслиги, двигателда газ алмашилишининг бузилиши, ёнилғи сарфининг ошиб кетиши, двигател қуввати, машина тезлиги ва юк кўтарувчанлик қобилиятининг камайиши, машина куч тавсифларининг ўзгариши ҳамда бошқариш хавфсизлигининг пасайишига олиб келади. Шу боис пружиналар параметрларини сақлаб туриш ва қайта тиклаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Пружиналарни тайёрлаш технологик жараёнининг мураккаблиги, юқори углеродли, турли легирловчи элементлар қўшилган ва махсус ишлов берилган пўлатларнинг ишлатилиши ҳамда пружина ўрайдиган автомат дастгоҳларнинг қўлланилиши унинг таннархини ошириб юбормоқда. Носоз пружиналарни қайта тиклашнинг ресурстежамкор технологияларини яратиш ва мавжудларини модернизациялаштириш қайта тиклаш таннархининг арзонлашишига, энг асосийси четдан олиб келинаётган эҳтиёт қисм ва металл хом ашёсига сарфланадиган маблағни тежаб қолишни таъминлайди [11].

I – БЎЛИМ. 10-СОНЛИ АВТОТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИДА МАШИНА ДЕТАЛЛАРИНИ ТИКЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

1.1. 10-сонли автотаъмирлаш корхонаси ривожланиш тарихи ва истикболлари

10-сонли Тошкент давлат автотаъмирлаш корхонаси (АТК) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар кенгашининг 1959 йил 1 июндаги қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси автомобил транспорти вазирлигининг автокорхоналарга хизмат кўрсатувчи баъзавий таъмирлаш корхонаси сифатида ташкил этилган.

10-сонли АТК 3,7 гектар мойдонни эгаллаб, у ерда умумий майдони 20,8 минг кв.метрга тенг 19 та бино ва иншоотлар мавжуд. Улар орасида 3 каватли маъмурий-маиший корпус умумий майдони 12,0 минг кв. метрга тенг бош ишлаб чиқариш корпуси тиркамалар ишлаб чиқариш бўйича 1,8 минг кв. метрли иншоот ва х.к. бор.



1.2-расм. 10-сонли Автотаъмирлаш корхонасининг олд кўриниши.

Корхонанинг асосий вазифалари автотранспорт воситаларидан фойдаланиш пайтида юзага келадиган асосий техник муаммоларни тадқиқ қилиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш ва шу мақсадда муҳандислик-техник, технологик ва ташкилий тадбирларни ишлаб чиқаришни ташкил этади. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда 10-сонли АТК ҳозирги кунда қуйидаги ишларни амалга оширмоқда:

- юк автомобиллари ва енгил автомобиллар, автобуслар, шунингдек уларнинг узеллари ва агрегатларини капитал, жорий ва майда таъмирлаш;
- автомобилларни сиқилган газда ишлаши учун қайта жихозлаш;
- илгари жихозланган автомобилларнинг давлат текширувини ўтказиш;
- атомобилларни дизел ёқилғисида ишлаши учун қайта жихозлаш;
- кўп юк кўтарувчи ярим тиркамалар ва ярим тиркама контейнер ташувчиларни ишлаб чиқариш;
- пахта ташувчи, дон ташувчи контейнерларни ташувчи ярим тиркамаларни, самосвал тиркамалар ва ярим тиркамаларни, тўкиладиган юкларни ташиш учун махсус контейнерларни ишлаб чиқариш;
- махсус кўзовларни, нон ташувчи, сут ташувчи кўзовларни, саноат молларини ташувчи фургонларни ва бошқа озиқ- овқат маҳсулотларини ташувчи кўзовларни ишлаб чиқариш;
- “КамАЗ”, “Зил”, “ГАЗ”, “Исузи” русумли бортли автомобилларнинг кўзовларини ишлаб чиқариш;

Юқорида санаб ўтилган ишларни бажариш учун 10-сонли АТК да 100 хил турдаги 415 та дастгоҳ ва жихозлар мавжуд.

Корхона ҳудудида козловой кран ва 12 та кран – балка ўрнатилган. Заводда ишлаб чиқарилган 5 дона электр ўчоқ ва 3 дона газ ўчоғи бор.

Бундан ташқари газ баллонларини текшириш учун пневмогидроусилителлар мавжуд. Ҳозирги пайтда корхонада ҳаммаси бўлиб 239 нафар киши ишлайди. 2011 йил мобайнида ишлаб чиқарилган

маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 2 млрд. сўмдан ортиқ қийматни ташкил этади.


Корхонанинг млиявий аҳволи барқарор, рентабеллик даражаси 19,4% ни ташкил этади.

1.2. “№10 сонли Тошкент автотаъмирлаш корхонаси” да ейилган деталларини тиклаш технологик жараенлари тахлили ва уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар

Таъмирлаш корхонасида двигателлар тирсакли ва таксимлаш валлари ҳамда шатунларни тиклаш таъмирлаш ишлари йулга куйилган булиб, хозирги кунда асосан ушбу деталлар ремонт улчамларига механик ишов бериш усулида ҳамда флюс остида автоматик тарзда металл эритиб коплаш ва кейинги механик ишлов бериш технологияси асосида олиб борилади.

Таъмирлаш корхонасида мавжуд технологик жараенлар тахлили шуни курсатадики, кулланилаётган технологик жараенлар соддалиги ва иктисодий жихатдан арзонлиги билан ажралиб туради. Машинасозлик ишлаб чиқариш жараени куйаётган талабалар асосида масалани бу ердай хал килиш мақсадга мувофик эмас. Чунки тикланган еки таъмирланган детал ресурси янгиникига караганда камида 80% ни ташкил килиши ва уни тиклаш таннархи унинг бахосининг 50% гача ташкил килиши мумкин. Кулланилаётган пайвандлаш ва метал эритиб коплаш жараенилари (флюс остида автоматик метал эритиб коплаш) купгина параметрлари билан хозирги кун талабларига жавоб бермайди. Шу боис корхонага якин йилларда илмий асосланган машина деталларини тиклашнинг замонавий усулларини тадбик килиш мақсадга мувофик деб хисоблаймиз.

Тахлил натижасида шу маълум булдики, нуксонлаш жараенида арзимаган нуксонлар учун катта қийматга эга булган деталлар яроксизга чиқарилиб, метал чиқиндисига топшириб юборилмоқда. Мисол учун тирсакли вал буйинчаларида буйлама дарзларнинг мавжудлиги, пастки каллаклари оваллиги ва конуслиги рухсат этилган қийматдан катта бўлган шатунлар туғридан туғри чиқитга чиқариб юборилмоқда.



Расм 1.2. Тавсия этилаётган машина деталларини тиклашнинг замонавий усуллари.


II боб. Газ тақсимлаш механизми пружиналарини тиклаш технологик жараенини асослаш

2.1. Таъмирлаш объекти қисқача тавсифи.


Ўзбекистон республикаси халқ хужалигининг барча тармоқларида қулланилаётган умумий ишларга мўлжалланган Т-4А русумли занжирли тракторига А-01М русумли олти цилиндрли тўрт тактли дизель двигатели ўрнатилган булиб унинг асосий техник курсаткичлари куйидагича:

Номинал қуввати, от кучи	110
Тирсакли вал номинал айланишлар сони, айл^{-1}	1700
Цилиндрлар сони	6
Цилиндрлар диаметри, мм	130
Поршень юриш йули, мм	140
Литраж, л	11,15
Сиқиш даражаси	16,5
Тирсакли вал минимал салт ишлаш айланишлар сони, айл^{-1}	600
Цилиндрлар иш тартиби	153624
Солиштирма енилги сарфи, г/эок	185
Поршен халқалари сони, компрессион/мой сидириш	3/2
Двигател габарит улчамлари, узунлиги * эни * баландлиги, мм	1781x800x x1147
Огирлиги, кг	1200+30

А-01М двигатели кривошип – шатун механизми, газ тақсиллаш механизми, декомпрессион механизм, таъминлаш, совутиш, мойлаш каби системалардан ташкил топган булиб, унинг остови цилиндрлар блоки, цилиндрлар каллаги ҳамда мой, маховик, шестенялар блоки картерларидан ташкил топган (расм 2.1).




а)



б)

Расм 2.1. А-01М двигатели ён томондан (а) ва олд томондан (б) қирқим қуриниши.

Газ таксимлаш механизми ички ён ув двигателларининг асосий ишчи механизми ҳисобланади. Қуйидаги расмда А-01М двигатели газ таксимлаш механизмининг деталлари жойлашиш тартиби келтирилган (расм 2.2)



Расм 2.2. А-01М двигатели газ таксимлаш механизми деталлари:

1 – таянч шайба; 2- сегмент шпонка; 3- шайба; 4- болт; 5- таксимлаш вали шестерняси; 6- подшипник; 7- турткич ролиги; 8- коник пробка; 9- турткич таянчи; 10- копоқ прокладкаси; 11- декомпрессор вали; 12- коромысло ўқи; 13- коромысло устуни; 14- декомпрессор ўқи устуни; 15- пружина; 16- сухарик; 17- пружина тарелкаси; 18- клапан пружинаси; 19- клапан пружинаси (ички); 20- шайба; 21- йуналтирувчи втулка; 22- чикариш клапани; 23- клапан уяси; 24- чикариш клапани; 25- штанга пастки наконечниги; 26- таксимлаш вали; 27-пята; 28- турткич; 29- турткич ўқи; 30- мой етказиш таянчи; 31- турткич штангаси; 32- штанга юкори наконечниги; 33- ростлаш винти; 34- цилиндрлар қаллаги копоқи; 35- коромысло втулкаси; 36- декомпрессор винти; 37- клапан коромыслоси.

2.2. А-01М двигателини бўлақлаш (йиғиш) технологик жараени харитаси

Машиналарни бўлақлаш ва йиғиш технологик жараени харитаси ЕСКД, ЕСТД талабларига мос равишда ишлаб чиқилади.

Булақлаш маршрут технологик харитаси бутун машина ёки унинг айрим агрегатлари учун ҳам тузилиши мумкин.


Булақлаш технологик жараени лойihalашда булақлаш маршрут технологик жараени, эскизлар харитаси, жихозлар ведомости ва деталлар ведомости тузилади.

Маршрут технологик жараенини тузишда агрегатнинг умумий қирқим қуриниши ва унга қйиладиган техник талаб асос булади. Маршрут харитани

тузишдан олдин биринчи навбатда булаклашнинг рационал кетма-кетлиги аниқлаб олинади. Бу булаклашни махсус жихозланган иш жойларида олиб бориш имконини яратиб, ремонт объектини кейинги иш жойига узатиш вақтини камайтиради.

Булаклаш жараени схемаси шундай чизиладики, унда ҳар бир қисм ёки детал уларнинг булакланиш кетма-кетлиги асосида бўлиши керак.

Маршрут технологик жараени махсус формаларда тузилиб, унда операция номери, операция мазмуни қисқа ва лунда килиб келтирилади.

Юклама тури	Эластик элемент тури						
	каттиқ жисм					суюқлик иштирокидаги эластик элемент	пневоэластик элемент
	металл ашё			нометалл ашё			
Сиқилиш ва чўзилиш	сиқилиш ва чўзилишга ишлайдиган брус (стержень) 		халқасимон пружина 		резина бикр элемент 	гидро-пнево амортизатор 	
Эгилиш	тўғри йўналган	спирал йўналишли		дисксимон	пластмассада н тайёрланган бикр элемент 	махсус элемент	
	 рессор	спиралсимон пружина 	торсион пружина 	ликопсимон пружина 		мембранали пружина 	биметалл 
Буралиш	торсион рессор (стержень) 	сиқилувчан цилиндрик ўралма пружина 	чўзилувчан цилиндрик ўралма пружина 	сегментли шпонка 	конуссимон пружина 	бочкасимон ўрама пружина 	мураккаб пружина 

2.3-расм. Машина ва механизмларда қўланиладиган эластик элементлар, шу жумладан пружиналарнинг турлари


2.3. Пружиналарнинг ишлаш жараёни ва параметрларини ўзгариши сабаблари

2.3.1. Пружиналарнинг ишлаш жараёни таҳлили

Юқорида таъкидланганидек, пружина статик, динамик ва циклик юкланиш шароитида ишлагани боис, фойдаланиш жараёнида унинг параметрлари (эластиклиги, геометрик ўлчамлари) ўзгаради, яъни улар камаяди.

Фойдаланиш жараёнида пружина эластиклигини камайиши бу релаксация жараёни билан изоҳланувчи ходиса ҳисобланади.

Металлардаги релаксация жараёнини тадқиқ қилган олимлар релаксацияга эластик деформациядан пластик деформацияга ўтиш натижасида кучланишларни мустақил камайиши деб изоҳ берган [11]. Пружиналардаги релаксация жараёнининг график кўриниши қуйидаги эгри чизик билан ифодаланиб, у икки қисмдан ташкил топган: АВ қисмда пружина кучи тез сурагда камаяди, ВС қисмда эса - аста-секин (2.4-расм).



2.4-расм. Пружиналардаги релаксация жараёни кечиши графиги

Пружиналарда релаксация ҳодисаси етарлича чуқур ўрганилмаган бўлиб, кўпчилик ҳолларда релаксация биринчи босқичи металл кристалл панжараси чегараларидаги доначалар диффузион ўзгаришлари билан, иккинчи босқичи эса бевосита доначалардаги силжиш жараёнлари билан изоҳланади.

Сиқилувчан пружиналарнинг ишлаш жараёнига тўхталар эканмиз, қўлланиш соҳаси бўйича улар ҳарорат (двигател газ тақсимлаш механизми клапан пружиналари), статик ва циклик (динамик) юкланиш таъсирида бўлади.

Машиналардан фойдаланишда пружинага таъсир этувчи ҳарорат релаксация жараёнига бошқа омиллардан фарқли равишда кучли таъсир кўрсатади. Бу, металда ҳарорат таъсирида атомлар ҳаракатланувчанлиги, диффузия тезлигининг ошишига, кўчиш ва диффузион жараёнлар интенсивлигининг тезлашишига олиб келади.

Пружиналар машина ва механизмларларда қўлланилганда уларнинг маълум бир вазифани (масалан белгиланган босим кучини ушлаб туриш) бажариши талаб этилади. Статик юкланишда релаксация жараёни бошланғич ишчи узунликка сиқиб қўйилган пружинада юкланишга нисбатан чизиқли равишда ўзгаради.

Пружиналардан фойдаланиш вақти ва циклик юкланиш релаксация жараёнига ҳарорат ёки статик юкланиш ҳолатига нисбатан сезиларли даражада таъсир этмайди. Биринчи АВ босқичда релаксация жараёни интенсив кечиб, кейинги босқич ВС да эса секинлашиб боради.


2.3.2. Пружина параметрларини ўзгаришининг иш жараёни техник, технологик ва иқтисодий кўрсаткичларига таъсири таҳлили

Пружиналар машина ва механизмларнинг асосий эластик элементи ҳисобланиб жуда кенг кўламда қўлланилади. Шу боис уларнинг ўз параметрларини сақлаш қобилияти ёки параметрларининг ўзгариши машина – механизм ишига ўз таъсирини кўрсатади.

Картошка экич қисгичларида қўлланилган пружиналарни ишончлилигини баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қурилган пружиналар ишонччилик кўрсаткичларидан: бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги $P(t)$ нинг ишлов берилган майдон юзаси W га ва носозликлар интенсивлиги $\lambda(t)$ нинг ишлаш вақти t га нисбатан ўзгариши эгри

чизиқларининг (2.5-расм) таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин [11]:

- экич жамламасига кирувчи 10 дона пружина ҳар доим ҳам экичнинг кафолатли хизмат даврида экичнинг сифатли иш қобилиятини таъминлаб бера олмайди (узок муддат ишлаш қобилияти эгри чизиғи);
- носозликлар интенсивлигининг эгри чизиғи учта асосий зонага бўлинган: ОА – мослашиш даври; АВ – нормал эксплуатация даври; ВС – авария ҳолати (пружина ашёсида чарчашдан емирилиш) даври. Лекин ушбу эгри чизиқда носозликлар интенсивлиги ажралиб турган ОА – мослашиш давридаги чўккилар, пружина тайёрлаш жараёни ва унинг ашёсига қўйиладиган талабларни кучайтириш лозимлигини кўрсатади.



2.5-расм. Пружиналарнинг ишончилиги: бузилмасдан ишлаш (а) эҳтимоллиги $P(t)$ ва носозликлар (б) интенсивлиги $\lambda(t)$ ни баҳоловчи эгри чизиқлар

Қатор ораларига ишлов берувчи култиваторлар ишчи органларининг чуқурлигини ростлагичлари параметрларини асослаш устида тадқиқотлар олиб борган Т.С. Набиев [11] нормал шароитда фойдаланилаётган култиваторларда ҳар хил ҳолатдаги ва узунликдаги пружиналар учрашини (бир жамланмада), култиваторни жорий таъмирлашда ва мавсумга тайёрлашда таъмирловчилар ёки механизаторлар пружиналар ҳолати, кўрсаткичлари ва ростланишларига умуман эътибор бермаслигини таъкидлаб ўтган. Бу эса пружиналар кучининг ҳар хил даражада бўлишига ва ишчи органлар ботиш чуқурлиги текислигини бузилишига олиб келади. Култиваторларни жорий таъмирлашда ва мавсумга

тайёрлашда пружиналар тўпламини баландлиги ва кўрсаткичлари бўйича бир хилда танланишига ҳамда баландлиги бўйича бир биридан 5% гача фарқланиш рухсат этилиши асослаб берилган.

Ички ёнув двигателлари газ тақсимлаш механизми «клапан – клапан уяси» бирикмаси клапан билан қамралиш юзаси ва клапанни ботиш чуқурлигига боғлиқ. Клапан уясини клапан билан қамралиш юзаси ва клапанни ботиш чуқурлиги кўп ҳолларда клапан пружинаси параметрларига боғлиқдир. Ўзгарувчан статик ва динамик юкланишларнинг биргаликдаги таъсирида пружиналарнинг бошланғич баландлиги ва эластиклиги камаяди. Натижада, двигател иш жараёнида бир қанча салбий оқибатлар рўй бериши мумкин.

ЯМЗ-238НБ русумли двигателлар клапан пружиналари нуқсонларини аниқлаш натижалари шуни кўрсатадики, 87% пружиналарнинг эркин баландлиги номинал ўлчамига нисбатан 1...2 мм камайган. СМД–62 двигателларида 90% пружиналарнинг эркин баландлиги 0,5... 2,5 мм атрофида қисқарган.

Бир қанча илмий тадқиқот институтлари тадқиқотлари натижасига кўра [11] двигателлар иш жараёнида 90 фоиз клапан пружиналарининг эркин баландлиги 0,5... 3,0 мм га қисқариши ва 45... 55 фоиз пружиналарнинг эластиклиги 4...25 фоизга камайиши асослаб берилган.

Клапан пружиналарининг нотўғри ишчи узунликка сиқиб қўйилиши ҳам двигател иш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Мисол учун, клапан пружинаси эластиклигининг номинал қийматдан ошириб юборилиши «клапан – клапан уяси» бирикмасидаги ейилиш тезлигини 20 фоизга ошириб юборади. Бу билан бир қаторда пружиналарда унинг камайиши эса двигател қувватининг пасайиши ҳамда ёқилғи сарфининг кўпайишига олиб келади. ГОСНИТИ [11] маълумотларида пружина эластиклигини 25 фоизга камайиши двигател қувватини 17 фоизга камайтириши, ёқилғи сарфини эса 19 фоизга ошиб кетиши кўрсатилган. Пружиналар ишчи баландлигида эластиклигини камайиши двигател қувватини 10 фоизгача камайтирар экан.


В.С. Мкртумян ва В.В. Смирновлар томонидан олиб борилган илмий изланишларда капитал таъмирлашга қабул қилинган двигателлар клапан пружиналарининг 26 фоиз техник талабларга мос келмайдиган эластикликка, 40,5 фоизда эса 35 фоиз эластиклик камайиши, 8 фоиздан ортиқроқ пружиналарда эса эластиклик 50 фоиз миқдорида камайган. Бундай техник ҳолатдаги пружиналар билан синов натижаларига асосан двигателнинг ростлагич тавсифи қурилганда, 14 фоиз эластиклиги камайган пружиналар қўлланилганда қувват 0,59 кВт га пасайган, солиштирма ёнилғи сарфи эса $4 \cdot 10^{-3}$ кг/кВт-соат га ортган. 26 фоиз пружина эластиклиги камайганда эса мос равишда қувват 2,28 кВт га камайган, ёнилғи сарфи эса $1 \cdot 10^{-2}$ кг/кВт-соат га ортган, 30 фоиз пружина эластиклиги камайганда эса қувват 5,7 кВт га камайган, ёнилғи сарфи эса 25 фоиз ортган, бироқ ушбу ҳолда двигателнинг бир маромда ишлаш суръати бузилган ва ёнилғининг чала ёниш ҳолатлар кузатилган.

Пружина эластиклигининг 12...25 фоиз миқдорда камайиши ва тирсақли валнинг турли айланишлар сони ҳолатида қувват ва ёнилғи сарфи ўзгариши тадқиқ қилинган. Двигател валининг 600...1100 айланишлар сонида қувват 1,04...4,3 фоизгача камайиши, ёнилғи сарфи эса 7,6...17 фоизгача ошиб борган. Тирсақли вал айланишлар сони ошган сари қувват 49,8 фоизгача камайиши, ёнилғи сарфининг эса 10,9 фоизга ошиши кузатилган [11].

Ушбу изланишлар натижасида В.С. Мкртумяннинг қуйидаги фикри пружиналар ресурсини тиклаш билан шуғулланган олимлар шioriга айланганлиги бежиз эмас: «...агар мамлакат трактор паркиннинг 10 фоизи эластиклиги 10 фоиз камайган пружиналар билан ишлаши йилига тахминан ёнилғининг 22,31 минг тонна ортиқча сарфланиши, 615613 кВт қувват йўқолиши ёки шартли тракторга ўтказилганда, бу 15,5 минг трактордан фойдаланилмай қолиш дегани».

Ички ёнув двигателлари клапан пружиналари иш жараёнини тадқиқ қилган Ю.А. Кагнер [11] қуйидаги хулосага келган: “Пружина кучининг камайиши двигатель қувватининг пасайишига сезиларли таъсир этади”. Чунки

эластиклиги камайган пружина сиқиб турган клапан юкланиш натижасида ўз ўтириш жойидан сакраб очилади ва бирикма зичлигини камайишига сабаб бўлади. Киритиш тактида эса чиқариш клапанлари цилиндр ичкарасидаги сийраклашиш ҳисобига ўз ўзидан очилиб, ёнилғи сарфи ошишига ҳамда қувват пасайишига сабаб бўлади (1.7- расм).



2.6-расм. Клапан пружинаси эластиклиги (P) ўзгаришининг двигател (N) қувватига таъсири

Бундан ташқари эластиклиги камайган пружиналарни клапан механизмларида қўлланилиши, бу киритиш тактида чиқариш клапанининг очилиши цилиндрнинг ҳаво ёки ёнувчи аралашма билан тўлиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади, ўз вақтида ёпилмаган клапаннинг ўз жойига қайтиши зарбий таъсирга айланади, бу эса клапан ишчи фаскаси ва клапан уясида юз берадиган ейилиш интенсивлигини оширади.

Автомобил ва транспорт воситаларида қўлланилган пружиналарнинг параметрларини ўзгариши қуйидаги салбий оқибатлар ва носозликларга олиб келади [11]:

- двигател қувватининг пасайиши (клапан пружинаси);
- двигателни ўт олдиришни қийинлашиши (стартернинг пружинаси);
- карбюраторга ёнилғи бериш босимининг пасайиши (таъминловчи насоснинг пружинаси);

- форсунка иш маромининг ёмонлашиши (пуркаш давомийлиги нотекислиги);
- машина юриш турғунлиги, бошқарувчанлиги ва юк кўтариш қобилиянинг пасайиши (амортизатор пружинаси).

Пружиналар параметрларнинг ўзгаришининг машина-механизм ишига салбий таъсирини ўрганиш асосида қўлланиш соҳасига кўра салбий таъсир даражаси қуйидаги жадвалда келтирилмоқда (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Пружина параметрларининг ўзгаришини машина иш жараёни ва агротехник талабларнинг бузилишига таъсири

Машина тури	Машина номи	Пружина ўрнатилган қисм	Пружина параметри ўзгаришининг иш жараёнига таъсири
1	2	3	4
Қишлоқ хўжалик ва мелиорация машиналари	Култиватор	ишчи орган	Ишчи органларнинг тупроққа ботиши қийинлашади, тупроқнинг қаршилиқ кучи (зичроқ ерларда) ўзгарса, ишчи қисмлар кўтарилиб кетади ва ишлов бериш чуқурлиги қийматининг ўзгаришига олиб келади.
	Дон экиш сеялкаси	экиш чуқурлигини ростлаш механизми	Пружина тавсифини ўзгариши белгиланган экиш чуқурлигини таъминлаш имконини пасайтиради, чуқур экилган уруғларни унмай қолиши, саёз экилган уруғларни нобуд бўлишига олиб келади.
	Чигит сеялкаси	тупроқни зичлаш механизми	Кўмгич томонидан табиий қиялик бурчагида кўмилган чигит устидаги тупроқни зичлаш учун хизмат қилади. Зичлашнинг нормал босимда бажарилмаслиги экилган уруғнинг тўла униб чиқиш имконини пасайтиради ва ҳосилдорликни камайишига олиб келади.

1.1-жадвал давоми

1	2	3	4
Қишлоқ хўжалик ва мелиорация машиналари	Роторли ўт ўргич	роторларнинг горизонтал мувозанатловчи механизми	Роторларнинг горизонтал жойлашишида ўриш тозалигини пасайишига олиб келади.
	Фреза	барабан фрикциони	Фреза иш ҳолатига туширилганда барабанлар айланишдан тўхтаб қолади ёки айрим секциялар белгиланган чуқурликда ишлов бермайди.
	Гидравлик тизим	гидравлик босимни ростлаш клапанлари	Пружина кучининг камайиши тизимдаги босимни белгиланган қийматда сақлаш имконини бермайди, ростлаш ишлари хажмини кескин ошириб юборади, бажарилаётган иш сифатига ва машина техник-иктисодий кўрсаткичларини пасайишига олиб келади.
Ички ёнув двигатели	Газ тақсимлаш механизми	клапан пружинаси	Двигател куввати пасайишига, ёнилғи сарфининг ошиб кетишига олиб келади.
	Таъминлаш тизими	форсунка пружинаси	Пуркаш босими пасайишига ва оптимал вариантдаги момент қийматининг ўзгариши ўз навбатида ёнилғи сарфи ошиши ҳамда двигател кувватининг пасайишига сабаб бўлади.
	Юқори босим ёнилғи насоси	плунжерни қайтариш пружинаси	Белгиланган иш тартибда керакли миқдорда плунжер усти хажмни тўлишига салбий таъсир кўрсатади, узатилаётган ёнилғи хажмининг ўзгарувчан бўлиши двигателнинг равон ишлашини бузиши мумкин.
Трактор ва автомобиль	Автомобил юриш қисми	амортизатор пружинаси	Машина тезлигининг, юк кўтарувчанлик қобилиятининг камайиши, машина куч тавсифининг ўзгариши ҳамда бошқариш хавфсизлигининг пасайишига олиб келиши мумкин.

	Илашиш муфтаси	фрикцион дискларни сиқиш пружинаси	Фрикцион дисклар ва маховикнинг шатаксираши фрикцион қопламнинг куйишига олиб келади.
--	----------------	------------------------------------	---

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, пружина кучининг ўзгаришининг машина-механизм ишига салбий таъсири кенг ўрганилган. Лекин пружина тавсифи тушунчасида $P(f)$ функция кучнинг деформацияга (эгилиш ўқи узунлиги) боғлиқлиги тушунилади. Деформация қийматининг ошиши унинг кучи ошишига олиб келишини, механизм учун пружина лойиҳаланаётган даврда унинг параметрлари давлат стандартлари талабларига мос ҳолда танланиши, унинг параметрларини муайян ростлаш ишлари билан ўзгартириш машинанинг техник, технологик, эргономик ва ишончлилиқ кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатади.

Шу боис юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, пружина параметрлари ҳам доимий тарзда назорат қилиниши, белгиланган деформацияланиш қийматида кучнинг техник талабга мос келишини таъминлаш лозим. Бундан ташқари пружина эркин баландлигини ўзгариши натижасида пружина эластиклигини камайиш қиймати илмий жиҳатдан асосланмаганлиги учун таъмирлаш ишлаб чиқариш жараёнида белгиланган техник талаблар ва меъёрий техник ҳужжатларга асосланган ҳолда пружиналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2.4. Пружиналарни қайта тиклаш усулларининг таҳлили

Амалиётда цилиндрик пружиналарни қайта тиклашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Кўпгина олимлар [11] пружиналарни қайта тиклашни «турли усуллар ёрдамида пружина эластиклиги ва унинг эркин баландлигини техник шартларга асосан қайта тиклаш» деб тушунтиришади.

Техника тараққиёти даврида пружиналарнинг геометрик параметрлари деганда унинг эластиклиги, ўрамалар қадами, ўрамаларнинг кўтарилиш

бурчаги, торец ўқиға нисбатан перпендикулярлиги, эркин баландлиги ва бошқалар тушунилади.

Шу боис пружиналарни юқоридаги параметрлари асосида қайта тиклаш имконини берадиган усул, қурилма ишлаб чиқиш ва технологик жараёни модернизиациялаштириш долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Қуйида пружиналарни қайта тиклашнинг мавжуд усуллари ёрдамида (2.7-расм) пружиналарни параметрларини тиклай олиш сифати ва камчиликларини таҳлил қилиб чиқамиз.



2.7-расм. Пружиналарни қайта тиклаш усуллари

Пружина параметрларини шайбалар қўйиш усули билан қайта тиклаш усули В.В. Смирнов [11] ва бошқаларнинг илмий ишларида келтирилган бўлиб, улар пружина кучини ошириш мақсадида торецига шайбалар қўйишни тавсия этади.

Пружиналар эластиклигини шайбалар қўйиш усули ёрдамида қайта тиклаш қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- қандайдир қалинликдаги шайбалар қўйилиши пружина ўрамалари қадамини кескин камайишига олиб келади ва бунда ўрамаларнинг бир-бирига қаттиқ

урилиш натижасида нафақат пружинани, балки бирикмадаги бошқа деталларини ишдан чиқишига олиб келади;

- агар шайба рухсат этилган қалинликда қўйилса, бунда пружина ўрамалари орасидаги масофа (қадами) кичик қийматда камайсада, унинг узунлиги нормал пружиналар узунлигидан бир мунча камайиб пружина мустаҳкамлиги захираси камайишига олиб келади. Бу эса вақт ўтиши билан унинг иш қобилиятини йўқолишига олиб келади;
- пружина кучи унинг деформацияланиш даражасини ошириш ҳисобига (ўрамалар кўтарилиш бурчагини камайтириш) эришилиши, дастлабки ишчи узунликда ишловчи пружиналар (клапан пружиналар, босим ростловчи пружиналар ва бошқа) га умуман қўллаб бўлмайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ушбу қайта тиклаш усули пружиналарнинг эластиклиги (вақтинча) дан бошқа параметрларини қайта тиклаш имконини бера олмайди, чунки эркин узунлик, ишчи деформация қийматининг камайиши турли хил салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

2.5. Пружиналарни нуксонлаш жараенини ишлаб чиқиш

Пружинани нуксонлаш махсус жихозланган иш жойларида олиб борилади.

Нуксонлаш натижалри асосида деталлар куйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Соз ҳолатдаги деталлар.
2. Таъмирлаш ва тиклашни талаб этадиган деталлар.
3. Носоз деталлар (яроксизга чиқариладиган)

Нуксонлаш жараенида деталлар ремонт корхонасида қабул килинган маркировка буйича белгиланиб (бук билан) кейинги жараенларга жунатилади. Ремонт корхоналарида деталлар куйидагича куринишда белгиланади:

1. Соз ҳолатдаги деталлар – яшил бук билан.

2. Таъмирлаш ва тиклашни талаб этадиган деталлар – ок еки сарик буёк билан.

3. Носоз деталлар (яроксизга чиқариладиган) – кизил буёк билан.

Хар бир детални нуқсонлаш жараени учун нуқсонлаш харитаси ишлаб чиқилиб шу харита асосида деталлар нуқсонлари аниқланади, тахлили қилинади ва зарур хулоса чиқарилади.


Қуйидаги жадвалда пружиналарни нуқсонлаш харитаси келтирилган бўлиб, унда ремонт корхонасига келтирилган пружиналар нуқсонлари аниқланади.

Пружиналарда пружина профилининг бузулиши, пружина торецларининг букилиши ёки буралиб кетиши, чўлғамларининг синиши ва чарчашдан емирилишнинг юзага келган ҳолда улар яроксизга чиқарилади.

Жадвал 2.2

Пружиналарни нуқсонлаш жадвали

№	Текшириладиган нуқсон номланиши	Қайтарилыш коэффициенти	Улчов асбоби ва мослама	Хулоса
1	2	3	4	5
1	Пружина бикрлигининг камайиши	0,99-1,0	МИП-100	
2	Пружина ўқининг торец ўқиға нисбатан перпендикулярлигини йўқолиши	0,8-0,9	Бурчаклик	
3	Пружина чўлғамлари кадамининг ўзгариши (пружина эркин узунлигининг камайиши ёки катталашиши)	0,9-1,0	Штангенцирк ул	
4	Пружина профилининг бузулиши	0,05-0,06	Визуал	
5	Пружина торецларининг букилиши ёки буралиб кетиши	0,05-0,06	Визуал	
6	Чўлғамларининг синиши	0,01-0,02	Визуал	
7	Чарчашдан емирилишнинг юзага келиши	0,01-0,02	МИП-100	



2.8-расм. А-01М, А-41, ЯМЗ, СМД русумли ички ёнув двигателларининг №236-1007020 рақамли газ тақсимлаш механизми клапан пружинасининг таъмирлаш чизмаси.

2.6. Деталларни тиклашнинг макбул усулини танлаш.

Деталларнинг нуксонларини тиклашнинг макбул усулини топиш учта мезон буйича баҳоланади:

1. Технологик мезон – кулланувчанлик мезони булиб, ушбу нуксон геометрик параметрларини тиклаб бериш имконни берадиган усулларни танлаш тизимига айтилади.

2. Техник мезон – узок муддатлилик мезони хисобланиб, детални узок муддат ишлашини баҳолайди ва K_d курсаткичи билан белгиланади:

$$K_d = K_i K_c K_v K_p, \quad (2.1)$$

бунда K_i – ейилишга чидамлилик коэффиценти;

K_c – илашувчанлик коэффиценти;

K_v – чидамлилик коэффиценти;

K_p – тузатиш коэффиценти.

Ушбу холда K_d – тах холатда уша усул макбул хисобланади.

3. Техник – иктисодий – жамловчи мезон детални тиклашнинг узок муддатлилик курсаткичини иктисодий курсаткич билан баҳолайди ва K_r курсаткичи билан баҳоланади. В.А.Щадричев [3] томонидан тавсия этилган тенгламага асосан

$$K_r = C_v / K_d, \quad (2.2.)$$

бунда C_v – 1 м^2 ейилган юзани тиклаш;

K_d – узок муддатлилик курсаткичи.

Пружинанинг асосий нуксони бу унинг бикрлигининг камайиши бўлиб, куп холларда унинг киймати рухсат этилган улчамлари кийматларидан камайиб кетади.

Пружинларнинг нуксонларини тиклаш усуллари тахлили натижасида ишлаб чиқариш жараенига тадбик қилиш, технологик жараени соддалигини ҳисобга олган ҳолда термомеханик ишлов бериш ва накаткалаш каби усулларни тавсия қилиш мумкин.

1. Термомеханик ишлов бериш.
2. Накаткалаш (совук пластик деформациялаш).

Ушбу усулларнинг узок муддатлилик курсаткичи техник мезон буйича баҳоланади:

1. Термомеханик ишлов бериш –
 $K_d = 1,0 * 0,9 * 0,9 * 0,9 = 0,73$
2. Накаткалаш (совук пластик деформациялаш)–
 $K_d = 0,8 * 0,87 * 1,0 * 0,9 = 0,63$

Демак, узок муддатлилик курсаткичи буйича $K_d = \max$ нуксонни тиклашнинг макбул усули термомеханик ишлов бериш экан.

Лекин, макбул усулни тулик асослаш факат техник – иктисодий мезон курсаткичи буйича баҳоланади ва биз танлаган усуллар учун унинг ҳисоби куйидагича:


1. Термомеханик ишлов бериш –
 $K_T = 48,7 / 0,73 = 66,7$
2. Накаткалаш (совук пластик деформациялаш) –
